

## “ТАСДИҚЛАЙМАН”

Бошқарув раисининг ходимлар  
ва ижтимоий масалалар  
бўйича ўринбосари в.б.

С.Б.Шерматов

“ ” 2023й.

### Олмалиқ кон-металлургия комбинати акциядорлик жамиятининг 75 йиллик юбилейи муносабати ҳужжатли видеофильми

(кейинги ўринларда - Фильм) тасвирга олиш учун

#### ТЕХНИК ТОПШИРИҚ

| УМУМИЙ ТАЛАБЛАР           |                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                         |
|---------------------------|---------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------|
| Ишлаб чиқариш мақсади     | Ушбу ҳужжатли фильмни ишлаб чиқаришдан кўзланган мақсад: «Олмалиқ КМК» АЖнинг нафақат Ўзбекистон, балки дунё миқёсидаги салоҳиятини, комбинатнинг юртимиз иқтисодий, ижтимоий ва сиёсий ҳаётида тутган ўрнини кўрсатиб бериш, «Ёшлик 1» конини ўзлаштириш, “Инвестиция лойиҳасини амалга оширилиши, ер ости табиий ресурсларидан оқилона ва тўғри фойдаланиш бўйича олиб борилаётган илмий изланишлар ва уларнинг натижаларини баён қилишдан иборатдир. |
| Мақсадли аудитория        | Кенг жамоатчиликка мўлжалланган                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                         |
| Фильмдан фойдаланиш       | Фильмни қуйидаги ҳолларда қўллаш мумкин:<br>1. Маҳаллий ва хорижий телеканалларда;<br>2. Интернетда: веб-сайтлар ва ижтимоий тармоқлар;<br>3. Учрашувлар, кўргазмалар, конференцияларда;<br>4. Олий ва ўрта махсус ўқув юртларида;<br>5. LED экранларда.                                                                                                                                                                                                |
| Хронометраж               | 30 дақиқа                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                               |
| Тил                       | Ҳужжатли фильм учта тилда ишлаб чиқилади:<br>1. Ўзбек тили<br>2. Рус тили<br>3. Инглиз тили                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                             |
| Контентнинг ўзига хослиги | 1. Плагиат ишлатмасдан янги лойиҳани ишлаб чиқиш.<br>2. Лойиҳада анимация ва графикалардан фойдаланиш.<br>3. Контент қисми учун тўлиқ жавобгарлик муаллифга юклатилади.                                                                                                                                                                                                                                                                                 |

|                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                           |                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                   |
|-------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------|-----------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------|
| Файл формати                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                              | 1. 4K 3840x2160 сониясига 25 та кадр H264 MP4;<br>2. Full HD 1920 x1080 сониясига 25 та кадр H264 MP4.                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                            |
| Фильмнинг овозли ва мусикий дизайни                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                       | Ўзбек, рус ва инглиз тилларида дубляж, мусикий безак, Dolby C Surround форматида овозлаштириш.                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                    |
| Ижрочини танлаш босқичлари                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                | 1. Муаллифлик лойиҳаларини тақдим этиш (Portfolio).<br>2. Ушбу фильм учун ишлаб чиқилган барча концепция (сценарий, синопсис, интервью берувчилар рўйхати, зарур лавҳалар таснифи) тақдимоти.<br>3. Батафсил харажатлар сметасини тақдим этиш.<br>4. Ишлаб чиқариш соҳасига оид фильмларни тасвирга олиш тажрибасига эга бўлиш.                                                                                                                                                                                                                                                   |
| Фильмнинг қисқача тавсифи                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                 | Фильмда 1949 йилда илк фаолиятини бошлаган Олмалик кон-металлургия комбинати бугун очик ва ёпиқ конларга эга, бойитиш мажмуалари ва заводларида кумуш, олтин ва бошқа қимматбаҳо рангли металлар ишлаб чиқарувчи улкан корхонага айланганлиги, ОКМК фаолияти ҳақида ҳикоя қилинади. Шу билан бирга, фильм «Олмалик КМК» АЖнинг ривожланиш тенденциялари, мегалойиҳа жараёнлари комбинатнинг шаҳар, республика ва дунё миқёсидаги аҳамияти, корхонада олиб борилаётган ислохотлар, таниқли ўзбек ва хорижлик мутахассислар, ҳамкорлардан интервьюлар олишни ўз ичига қамраб олади. |
| ТЕХНИК ПАРАМЕТРЛАР                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                        |                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                   |
| 1. Фойдаланиладиган техника: профессиональ кинокамера RED DRAGON– 2 та, профессионал объективлар камера учун – Carl Zeiss "Compact prime" 7 хил турдаги, слайдер – 1 та, рельс-тележка – 1 та, 3 ва 9 метрлик телевизионный кран – 2 та, 2 комплект ёритиш техникаси ва сифат учун керакли барча турдаги техникалар.<br>2. Монтаж ва графика жараёни: Postproduction, Adobe After Effects, Adobe Premiere, 4D Cinema<br>3. Студия (овоз, шовқин, мусикий безак, дубляж, учта тилда титрлаш)<br>4. График дизайн (шу жумладан инфографика) |                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                   |
| ИШЛАРНИ БАЖАРИШ МУДДАТИ                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                   |                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                   |
| Шартнома тузилган пайтидан бошлаб 3 ой                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                    |                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                   |

**Бошқарув раисининг ахборот сиёсати масалалари бўйича  
маслаҳатчиси – Ахборот хизмати бошлиғи**

**У.Қаршибаева**

**Ижтимоий ишлар бўлими бошлиғи в.б.**

**И.Абдуллаев**